# الأحاديث المنتخبة

(Танланган ҳадислар)

**1915-йил Қозон шаҳрида чоп этилган.**

**Таржимон:**

**Анвар Аҳмад**

**Тошкент:**

**2016**

بسم الله الرحمن الرحيم

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم:

1) طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ.

**1) Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун фарз амалдир.**

2) لِكُلِّ شَيْءٍ طَرِيقٌ وَطَرِيقُ الْجَنَّةِ الْعِلْمُ.

**2) Ҳар бир нарсанинг йўли бор. Илм жаннатнинг йўлидир.**

3) اَلْعِلْمُ ضَالَّةُ الْمُؤْمِنِ أَخَذَهُ حَيْثُ وَجَدَهُ.

**3) Илм мўминнинг йўқотган нарсасидир. Қаердан топса уни олаверади.**

4) اِتَّقِ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ فَإِنَّهَا مُسْتَجَابَةٌ.

**4) Мазлумнинг дуоибадидан қўрқ. Чунки у шаксиз ижобат бўлади.**

5) أَحَبُّ الأَعْمَالِ إِلَى اللهِ أَدْوَمُهَا وَإِنْ قَلَّ.

**5) Аллоҳ учун амалларнинг энг севимлиси оз бўлса ҳам давомлисидир.**

6) أَحَبُّ الْحَدِيثِ إِلَى اللهِ أَصْدَقُهُ.

**6) Аллоҳ учун энг севикли гап ростроғидир.**

7) أَحِبَّ لِلنَّاسِ مَا تُحِبُّ لِنَفْسِكَ.

**7) Ўзинг яхши кўрган нарсани одамлар учун ҳам яхши кўр.**

8) إِذَا أَتَاكُمْ كَرِيمُ قَوْمٍ فَأَكْرِمُوهُ.

**8) Сизларнинг ҳузурингизга бирор қавмнинг улуғ кишиси келса, уни ҳурмат қилинглар.**

9) اُذْكُرُوا مَحَاسِنَ مَوْتَاكُمْ وَكُفُّوا عَنْ مَسَاوِيهِمْ.

**9) Ўликларингизни яхшиликларини эсга олинглар, ёмонликларини гапиришдан тийилинглар!**

10) اِسْتَعِدَّ لِلْمَوْتِ قَبْلَ نُزُولِ الْمَوْتِ.

**10) Ўлим соати етишидан аввалроқ ўлимга ҳозирлик кўриб қўйгин!**

11) أَكْرَمُ النَّاسِ أَتْقَاهُمْ.

**11) Одамларнинг энг карамлиси тақводорларидир.**

12) الأَكْلُ فِي السُّوقِ دَنَاءَةٌ.

**12) Бозорда таом ейиш пасткашликдир.**

13) اَلأَمَانَةُ تَجْلِبُ الرِّزْقَ وَالْخِيَانَةُ تَجْلِبُ الْفَقْرَ.

**13) Омонатдорлик ризқни жалб қилади, омонатга хиёнат қилиш камбағалликни жалб қилади.**

14) أَنْزِلُوا النَّاسَ مَنَازِلَهُمْ.

**14) Одамларни (мартабаларига қараб) ўз жойларига ўтқазинглар!**

15) اَلتَّأَنِّي مِنَ اللهِ وَالْعَجَلَةُ مِنَ الشَّيْطَانِ.

**15) Оғир ва босиқлик Аллоҳдан, шошқалоқлик эса шайтондандир.**

16) إِنَّمَا يَرْحَمُ اللهُ مِنْ عِبَادِهِ الرُّحَمَاءَ.

**16) Албатта Аллоҳ раҳмдил бандаларига раҳм қилади.**

17) بِالدَّاخِلِ دَهْشَةٌ فَتَلَقُّوهُ بِمَرْحَبًا.

**17) Ичкарида қўрқинч бор, сизлар уни марҳабо деб кутиб олинг.**

بَرِّدُوا طَعَامَكُمْ يُبَارَكْ لَكُمْ فِيهِ.

**18) Таомларингизни совутиб енглар, шунда сизларга барака берилади.**

19) بُعِثْتُ لِأُتَمِّمَ مَكَارِمَ الْأَخْلَاقِ.

**19) Ахлоқларнинг энг фазилатлисини мукаммал қилиш учун (пайғамбар қилиб) юборилдим.**

20) اَلتَّاجِرُ الْجَبَانُ مَحْرُومٌ وَالتَّاجِرُ الْجَسُورُ مَرْزُوقٌ.

**20) Шижоати йўқ савдогар ризқ–насибадан маҳрумдир, шижоатли савдогарнинг ризқи кенгдир.**

21) تَسَحَّرُوا وَلَوْ بِحَبَّةٍ.

**21) Саҳарликда битта дон еб бўлса ҳам (оғизни ёпинглар).**

22) تَصَدَّقُوا فَإِنَّ الصَّدَقَةَ فِكَاكُمْ مِنَ النَّارِ.

**22) Садақа, эҳсон қилинглар, чунки садақа сизларни дўзахдан сақлаб қолади.**

23) تَصَدَّقُوا عَلَى أَهْلِ الْأَدْيَانِ كُلِّهَا.

**23) Барча дин вакилларига садақа бераверинглар.**

24) تَعَلَّمُوا الْعِلْمَ وَعَلَّمُوهُ النَّاسَ.

**24) Илм ўрганиб, одамларга ҳам илм ўргатинглар.**

25) تَعَلَّمُوا الْعِلْمَ قَبْلَ أَنْ يُرْفَعَ.

**25) Илмни то у кўтарилиб кетишидан олдин ўрганиб олинглар.**

26) تَنَزَّهُوا عَنِ الْبَوْلِ فَإِنَّ عَامَّةَ عَذَابِ الْقَبْرِ مِنْهُ.

**26) Сийдикдан эҳтиёт бўлинглар, чунки қабрдаги азобнинг кўпи сийдикдандир.**

27) تَنَظَّفُوا فَإِنَّ الْإِسْلَامَ نَظِيفٌ.

**27) Покланинглар, чунки Ислом поклик динидир.**

28) تَهَادُوا تَحَابُوا.

**28) Ўзаро ҳадя улашинглар, ўзаро муҳаббатли бўласизлар.**

29) التَّائِبُ مِنَ الذَّنْبِ كَمَنْ لَا ذَنْبَ لَهُ.

**29) Гуноҳларига тавба қилувчи гўёки гуноҳи йўқ киши кабидир.**

30) جُودُوا يَجُدِ اللهُ عَلَيْكُمْ.

**30. Сахий бўлинглар, Аллоҳ ҳам сизларга сахийлик қилади.**

31) اَلْجَنَّةُ تَحْتَ أَقْدَامِ الْأُمَّهَاتِ.

**31) Жаннат оналар оёғи остидадир.**

31) حُبُّ الدُّنْيَا رَأْسُ كُلِّ خَطِيئَةٍ.

**32) Барча хатоларнинг боши дунёни севишдан (бошланади).**

33) اَلْحَرِيرُ وَالذَّهَبُ حَرَامٌ عَلَى ذُكُورِ أُمَّتِي.

**33) Ипак ва тилло эркак умматларимга ҳаромдир.**

34) حُبُّكَ الشَّيْءَ يُعْمِي وَيُصِمُّ.

**34) Бирор нарсага кўнгил қўйишинг сени кўр ва кар қилади.**

35) اَلْحَجُّ مِنْ أَعْظَمِ سُبُلِ اللهِ.

**35) Ҳаж Аллоҳ томон бўлган йўлнинг энг улуғидир.**

36) اَلْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ.

**36) Мабрур ҳажнинг мукофати фақатгина жаннатдир.**

37) حُرْمَةُ مَالِ الْمُسْلِمِ كَحُرْمَةِ دَمِهِ.

**37) Мусулмоннинг қони каби моли ҳам ҳаромдир.**

38) حُسْنُ الْخُلْقِ نِصْفُ الدِّينِ.

**38) Гўзал хулқ диннинг ярмидир.**

39) اَلْحَمْدُ عَلَى النِّعْمَةِ أَمَانٌ لِزَوَالِهَا.

**39) Неъматларга шукур қилиш унинг заволга учрашини олдини олади.**

40) اَلْحَيَاءُ لَا يَأْتِي إِلَّا بِخَيْرٍ.

**40) Ҳаёли бўлиш фақат яхшилик келтиради.**

41) خَصْلَتَانِ لَا يَجْتَمِعَانِ فِي مُؤْمِنٍ: اَلْبُخْلُ وَسُوءُ الْخُلُقِ.

**41) Мўмин кишида икки хислат жам бўлмайди: Бахил ва ёмон ахлоқсиз бўлмайди.**

42) خِيَارُكُمْ أَحَاسِنُكُمْ أَخْلَاقًا.

**42) Сизларнинг яхшиларингиз хулқи яхши бўлганингиздир.**

43) خَيْرُ الْعِبَادَةِ أَخَفُّهَا.

**43) Ибодатнинг яхшиси енгил адо этилганидир.**

44) خَيْرُ النَّاسِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ.

**44) Одамларнинг яхшиси одамларга фойдаси тегадиган кишидир.**

45) خَيْرُ ما أُعْطِيَ لِلنَّاسِ خُلُقٌ حَسَنٌ.

**45) Инсонга бериладиган нарсанинг яхшиси гўзал хулқдир.**

46) اَلدَّالُّ عَلَى الْخَيْرِ كَفَاعِلِهِ.

**46) Яхшиликка йўллаб қўйиш худди шу яхшиликни бажаришдек савобли амалдир.**

47) اَلدُّعَاءُ مِفْتَاحُ الرَّحْمَةِ وَالْوُضُوءُ مِفْتَاحُ الصَّلَاةِ وَالصَّلَاةُ مِفْتَاحُ الْجَنَّةِ.

**47) Дуо раҳматнинг, таҳорат намознинг ва намоз жаннатнинг калитларидир.**

48) اَلدُّنْيَا مَزْرَعَةُ الْآخِرَةِ.

**48) Дунё охират экинзоридир.**

49) اَلدِّينُ النَّصِيحَةُ.

**49) Дин–насиҳатдир.**

50) الدَّيْنُ هَمٌّ بِاللَّيْلِ وَمَذَلَّةٌ بِالنَّهَارِ.

**50) Қарздорлик юки тунда безовта қилгувчи, кундузи шарманда қилгувчидир.**

51) ذِكْرُ اللهِ شِفَاءُ الْقُلُوبِ.

**51) Аллоҳнинг зикри қалблар давосидир.**

52) رَأْسُ الْحِكْمَةِ مَخَافَةُ اللهِ.

**52) Аллоҳдан қўрқиш ҳикматнинг бошидир.**

53) رُبَّ كَاسِيَةٍ فِي الدُّنْيَا عَارِيَةٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ.

**53) Дунё ҳаётида турлича либос кийганлар охиратдаги либослардан маҳрум бўлур.**

54) رَحِمَ اللهُ امْرَأً كَفَّ لِسَانَهُ عَنْ أَعْرَاضِ الْمُسْلِمِينَ.

**54) Мусулмонларни обрўсига нисбатан тилини тийган кишига Аллоҳ раҳм қилсин.**

55) اَلرَّاحِمُونَ يَرْحَمُهُمُ الرَّحْمنُ اِرْحَمُوا مَنْ فِي الأَرْضِ يَرْحَمُكُمْ مَنْ فِي السَّمَاءِ.

**55) Раҳм–шафқатлиларга ар–Роҳман сифатли Зот раҳм қилур. Сизлар ер юзидагиларга раҳм қилинг, сизларга ҳам осмондаги Зот раҳм қилур.**

56) رِضَا الرَّبِ فِي رِضَا الْوَالِدَيْنِ وَسَخَطُهُ فِي سَخَطِهِمَا.

**56) Аллоҳнинг розилиги ота–онанинг розилигини олишда ва Унинг ғазаби ота–онани хафа қилишдадир.**

**57) سِبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ وَقِتَالُهُ كُفْرٌ.**

**57) Мусулмонни ҳақоратлаш фосиқ (ахлоқсиз)ликдир ва уни ўлдириш иймонсизликдир.**

**58) سَافِرُوا تَصِحُّوا وَتُرْزَقُوا.**

**58) Сафарга чиқинглар, соғлом бўласизлар ва ризқланасизлар.**

**59) سُوءُ الْخُلُقِ يُفْسِدُ الْعَمَلَ.**

**59) Ахлоқсизлик амални савобини ўчиради.**

**60) سَيِّدُ الْقَوْمِ خَادِمُهُمْ.**

**60) Қавмнинг бошлиғи уларнинг хизматкоридир.**

**61)** شِرَارُكُمْ عُزَّابُكُمْ.

**61) Энг ёмонингиз бўйдоқларингиздир.**

**62)** شَرُّ الْبُلْدَانِ أَسْوَاقُهَا.

**62) Шаҳарларнинг ёмон (жой)и бозорлардир.**

**63)** الصَّلَاةُ عِمَادُ الدِّينِ.

**63) Намоз диннинг устунидир.**

**64)** اَلصَّلَوَاتُ الْخَمْسُ يَمْحُو اللهُ بِهِنَّ الْخَطَايَا.

**64) Беш вақт намоз сабабли Аллоҳ хатоларни кечириб юборади.**

65) الصَّمْتُ زَيْنٌ لِلْعَالِمِ وَسِتْرٌ لِلْجَاهِلِ.

**65) Сукут олим учун зийнат, жоҳил учун айбни тўсувчи пардадир.**

66) اَلصَّوْمُ جُنَّةٌ مِنْ عَذَابِ اللهِ.

**66) Рўза – Аллоҳнинг азобидан тўсувчи пардадир.**

67) صُومُوا تَصِحُّوا.

**67) Рўза тутинглар соғлом бўласизлар.**

68) طَاعَةُ اللهِ فِي طَاعَةِ الْوَالِدِ وَمَعْصِيَةُ اللهِ فِي مَعْصِيَةِ الْوَالِدِ.

**68) Аллоҳга итоат – отага итоат қилишдадир. Аллоҳга исён қилиш эса, отага қарши чиқишдадир.**

69) طُوبَى لِمَنْ شَغَلَهُ عَيْبُهُ عَنْ عُيُوبِ النَّاسِ.

**69) Ўз айбини тузатиш билан овора бўлиб, одамлардаги айбларни қидирмайдиган киши қандай ҳам яхши!**

70) اَلظَّلَمَةُ وَأَعْوَانُهُمْ فِي النَّارِ.

**70) Золимлар ва уларнинг ёрдамчилари дўзахдадир.**

71) اَلظُّلْمُ ظُلُمَاتٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ.

**71) Зулм қиёмат кунида зулумотдир.**

72) اَلْعَائِدُ فِي هِبَتِهِ كَالْعَائِدِ فِي قَيْئِهِ.

**72) Ҳадя қилган нарсасини қайтариб олувчи киши худди қусқисини қайтариб олган кишига ўхшайди.**

73) عَجِّلُوا الْإِفْطَارَ وَأَخِّرُوا السُّحُورَ.

**73) Ифторлик (оғиз очиш)га шошилинглар, саҳарлик (оғиз ёпиш)ни кечиктиринглар.**

74) عِدَةُ الْمُؤْمِنِ دَيْنٌ.

**74) Мўминнинг ваъдаси қарздир.**

75) اَلْعِلْمُ لَا يَحِلُّ مَنْعُهُ.

**75) Илм йўлини тўсиш ҳаромдир.**

76) عِلْمٌ لَا يَنْفَعُ كَكَنْزٍ لَا يُنْفَقُ مِنْهُ.

**76) Фойдасиз илм, эҳсон қилинмайдиган бойлик кабидир.**

77) اَلْعَالِمُ أَمِينُ اللهِ فِي الْأَرْضِ.

**77) Олим Аллоҳнинг ердаги ишончли вакилидир.**

78) عُودُوا الْمَرْضَى وَاتْبَعُوا الْجَنَائِزَ.

**78) Беморларни зиёрат қилинглар, жанозаларга қатнашинглар.**

79) اَلْغِيبَةُ ذِكْرُكَ أَخَاكَ بِمَا يَكْرَهُ.

**79) Ғийбат– биродарингни ёмонлаб гапиришдир.**

80) قَتْلُ الْمُؤْمِنِ أَعْظَمُ عِنْدَ اللهِ مِنْ زَوَالِ الدُّنْيَا.

**80) Мўминни ўлдириш – Аллоҳ ҳузурида дунёнинг завол топишиданда оғирроқ (гуноҳ)дир.**

81) اَلْقَائِمُ بِسُنَّتِي عِنْدَ فَسَادِ أُمَّتِي لَهُ أَجْرُ شَهِيدٍ.

**81) Умматим ахлоқсиз, бузуқчиликка юз тутган онда, суннатимни адо қилган кишига шаҳидлик учун ёзиладиган савоб берилур.**

82) قَصِّرُوا مِنْ آمَالِكُمْ وَاجْعَلُوا آجَالَكُمْ بَيْنَ أَعْيُنِكُمْ.

**82) Орзу-ҳавасларингизни камайтиринглар ва ажал бир куни келишини кўз ўнгизда қўйинглар.**

83) قِلَّةُ الْحَيَاءِ كُفْرٌ.

83) Ҳаёнинг оз бўлиши куфрликдир.

84) اَلْقَنَاعَةُ مَالٌ لَا يَنْفَدُ.

84) Қаноат, туганмас бойликдир.

85) قَيِّدْ وَتَوَكَّلْ.

85) (Уловни) боғлагинда (сўнгра) таваккал қил.

86) قَيِّدُوا الْعِلْمَ بِالْكِتَابَةِ.

86) Илмни ёзиш орқали мустаҳкам қилинглар.

87) كَادَ الْفَقْرُ أَنْ يَكُونَ كُفْرًا.

87) Камбағаллик куфрга олиб боришига оз қолган.

88) اَلْكَذِبُ يُسَوِّدُ الْوَجْهَ وَالنَّمِيمَةُ عَذَابُ الْقَبْرِ.

**88) Ёлғон гапириш юзни қора қилади. Чақимчилик қабрда азоб бўлади.**

89) كُلُّ مَعْرُوفٍ صَدَقَةٌ.

**89) Яхшиликнинг барчаси садақадир.**

90) كُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ.

**90) Барча маст қилувчи ичимлик ҳаромдир.**

91) كُلُّ مُوذٍ فِي النَّارِ.

**91) Ҳар−бир озор берувчи дўзахдадир.**

92) كُلَّمَا طَالَ عُمْرُ الْمُؤْمِنِ كَانَ خَيْرًا لَهُ.

**92) Мўминнинг умри узайгани сари унга яхшилик бўлур.**

93) كَمَا تَكُونُوا يُوَلَّى عَلَيْكُمْ.

**93) Қандай бўлсангиз шундай бошлиқ сизларга ҳукмронлик қилур.**

94) كُلُّكُمْ رَاعٍ وَكُلُّ رَاعٍ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ.

**94) Ҳар бирингиз мутасаддидир ва ҳар бир мутасадди қўл остидагилари учун масъулдир.**

95) كُنْ فِي الدُّنْيَا كَأَنَّكَ غَرِيبٌ أَوْ عَابِرُ سَبِيلٍ.

**95) Дунёда худди ғарибдек бўлгин ёки йўлдаги ғубор каби.**

96) كِيلُوا طَعَامَكُمْ يُبَارَكْ لَكُمْ فِيهِ.

**96) Таомларингизни кайл ўлчови билан тортинглар, сизларга барака ато қилинур.**

97) كُلُوا جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا فَإِنَّ الْبَرَكَةَ مَعَ الْجَمَاعَةِ.

**97) Бўлиниб эмас, жам бўлиб овқатланинглар, чунки барака кўпчилик билан бирга бўлади.**

98) لَا تَبِعْ مَا لَيْسَ عِنْدَكَ.

**98) Ўзинда йўқ нарса билан савдо қилмагин.**

99) لَا تَبَاغَضُوا وَلَا تَدَابَرُوا وَلَا تَنَافَسُوا وَكُونُوا عِبَادَ اللهِ إِخْوَانًا.

**99) Бир-бирингизга ғазаб қилманг, душманлик ҳам қилманг, баҳслашманг Аллоҳни бандалари биродар бўлинглар.**

100) لَا تَتْرُكُوا النَّارَ فِي بُيُوتِكُمْ حِينَ تَنَامُونَ.

**100) Ухлаётган пайтингларда уйларингиздаги оловни (ёнган ҳолда) қолдирманглар.**

101) لَا تَجْتَمِعُ أُمَّتِي عَلَى ضَلَالَةٍ.

**101) Умматим залолат устида бирлашмайди.**

102) لَا تُسَافِرُ الْمَرْأَةُ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ إِلَّا مَعَ ذِى مَحْرَمٍ.

**102) Аёл уч кунлик сафарга фақат маҳрами билан чиқсин.**

103) لَا تَشْرَبُوا فِي آنِيَةِ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَلَا تَأْكُلُوا فِي صِحَافِهَا.

**103) Тилла ва кумуш идишларда сув ичманг ва тилла лаганда таом еманглар.**

104) لَا تَنْزِلُ الرَّحْمَةُ عَلَى قَوْمٍ بَيْنَهُمْ قَاطِعُ رَحِمٍ.

**104) Қавм ичида қариндошлик риштасини узганлар бўлса, ўша қавмга раҳмат тушмайди.**

105) لَا خَيْرَ فِيمَنْ لَا يَسْتَحْيِي.

**105) Ҳаё қилмайдиган кишида яхшилик йўқ.**

106) لَا طَاعَةَ لِمَخْلُوقٍ فِي مَعْصِيَةِ الْخَالِقِ.

**106) Аллоҳга осий бўлиб, бандасига итоат қилинмайди.**

**107)** لَقِّنُوا مَوْتَاكُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ.

**107) Ўлим талвасасидагиларга: “Лаа илаҳа иллаллоҳ” калимасини айтиб туринглар.**

**108)** لِكُلِّ شَيْءٍ مِفْتَاحٌ وَمِفْتَاحُ السَّمَاوَاتِ قَوْلُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ.

**108) Ҳар бир нарсанинг калити бор, осмонларнинг калити “Лаа илаҳа иллаллоҳ” калимасидир.**

**109)** لِكُلِّ مَقَامٍ مَقَالٌ وَلِكُلِّ زَمَانٍ رِجَالٌ.

**109) Ҳар бир мақомнинг ўз сўзи бор ва ҳар бир замоннинг ўз одамлари бор.**

110) لَنْ يُفْلِحَ قَوْمٌ وَلَّوا أَمْرَهُمْ امْرَأَةً.

**110) Аёл бошқарган жамият ҳаргиз ютуққа эришмайди.**

111) لَا يَجْنِي جَانٍ إِلَّا عَلَى نَفْسِهِ.

**111) Жиноятчи ўз қилмишига ўзи айбдор бўлади.**

112) لَا يَحْكُمُ أَحَدٌ بَيْنَ اثْنَيْنِ وَهُوَ غَضْبَانُ.

**112) Икки кишининг орасини ислоҳ қилувчи киши ғазаб қилган ҳолда ҳукм айтмасин.**

113) لَا يَحِلُّ لِمُؤْمِنٍ أَنْ يَهْجُرَ أَخَاهُ فَوْقَ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ.

**113) Мўмин киши ўз биродари билан уч кундан ортиқ аразлашмоғи жоиз эмас.**

**114)** لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ إِلَّا رَحِيمٌ.

**114) Жаннатга раҳм қилувчилар киради.**

**115)** لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ جَسَدٌ غُذِيَ بِحَرَامٍ.

**115) Ҳаром луқма билан озуқаланган жасад жаннатга кирмайди.**

**116)** لَا يَسِمُ الْمُسْلِمُ عَلَى سَوْمِ أَخِيهِ الْمُسْلِمِ.

**116) Мусулмон киши мусулмон биродарининг баҳолашган нарсаси устига баҳолашмайди.**

**117)** لَا يَمْنَعَنَّ أَحَدَكُمْ هَيْبَةُ النَّاسِ أَنْ يَقُولَ الْحَقَّ.

**117) Ҳақиқатни айтишдан одамларнинг ҳайбати сизларни ман қилмасин.**

**118) لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ.**

**118) Сизлардан бирингиз ўзи яхши кўрган нарсани дўстига ҳам раво кўрмагунича иймони комил бўлмайди.**

**119) لَيْسَ مِنَّا مَنْ غَشَّ.**

**119) Фирибгар–алдовчи биздан эмас.**

**120) لَيْسَ مِنَّا مَنْ لَمْ يَرْحَمْ صَغِيرَنَا وَيُوَقِّرْ كَبِيرَنَا.**

**120) Кичикларимизга раҳм қилмаган ва кекса ёшлиларни эъзозламаганлар биздан эмас.**

121) لَيْسَ بِمُؤْمِنٍ مَنْ لَا يَأْمَنُ جَارُهُ غَوَائِلَهُ.

**121) Қўшниси унинг ёмонлигидан омонда бўлмаган киши мўмин эмас.**

122) لَيْسَ الْمُؤْمِنُ الَّذِي يَشْبَعُ وَجَارُهُ جَائِعٌ.

**122) Ўзи тўқ ва қўшниси оч бўлган киши мўмин эмас.**

123) لَيْسَ شَيْءٌ أَبْغَضَ إِلَى اللهِ مِنْ بَطْنٍ مَلْآنَ.

**123) Инсон қорни тўқлигидан кўра Аллоҳни ғазаблантирадиган нарса йўқ.**

124) مَا أَزْيَنَ الْحِلْمُ.

**124) Ҳалимлик, яъни юмшоқ табиатлилик нақадар зийнатли.**

125) مَا أَسْكَرَ كَثِيرُهُ فَقَلِيلُهُ حَرَامٌ.

**125) Кўпи маст қилувчи ичимликнинг ози ҳам ҳаромдир.**

126) مَا أَحْسَنَ مِنْ مُحْسِنٍ.

**126) Яхшилардан бўлиш нақадар яхши?!**

127) مَا بَرَّ أَبَاهُ مَنْ شَدَّ إِلَيْهِ الطَّرْفَ بِالْغَضَبِ.

**127) Отаси ғазаб назари билан қараган киши отасига яхшилик қилмабди.**

128) مَا تَشَاوَرَ قَوْمٌ إِلَّا هُدُوا.

**128) Жамият билан маслаҳатлашиш тўғри йўлга олиб чиқади.**

**129) مُدَارَاةُ النَّاسِ صَدَقَةٌ.**

**129) Одамлар билан муроса қилиш ҳам садақадир.**

**130) مُدْمِنُ الْخَمْرِ كَعَابِدِ وَثَنٍ.**

**130) Ароқхўр будпарастга ўхшайди.**

**131) اَلْمَرْءُ فِي صَلَاةٍ مَا انْتَظَرَهَا.**

**131) Киши модомики (масжидда) намоз бўлишини кутар экан у намоз ичида ҳисобланади.**

**132) اَلْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ.**

**132) Комил мусулмон шундайки, бошқа мусулмонлар унинг тили ва қўлидан озор кўрмаслар.**

**133)** اَلْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ.

**133) Мусулмон бошқа мусулмоннинг биродаридир.**

**134)** اَلْمُسْلِمُونَ إِخْوَةٌ لَا فَضْلَ لِأَحَدٍ عَلَى أَحَدٍ إِلَّا بِالتَّقْوَى.

**134) Мусулмонлар ака–укадирлар. Бири иккинчисидан фақат тақвоси билан афзал бўлур.**

**135)** مَا عَالَ مَنِ اقْتَصَدَ.

**135) Кимки тежамкорлик қилса, ночор бўлмайди.**

**136)** اَلْمُقِيمُ عَلَى الزِّنَا كَعَابِدِ وَثَنٍ.

**136) Зинога машғул киши бутпараст кабидир.**

137) مَكَارِمُ الْأَخْلَاقِ مِنْ أَعْمَالِ أَهْلِ الْجَنَّةِ.

**137) Гўзал хулқ жаннат аҳлининг хулқларидандир.**

138) مَلَاكُ الْعَمَلِ خَوَاتِيمُهُ.

**138) Ишнинг мағзи якунидадир.**

139) مَانِعُ الزَّكَاةِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي النَّارِ.

**139) Закотни ман қилувчи киши қиёмат куни дўзахдадир.**

140) اَلْمُؤْمِنُ لِلْمُؤْمِنِ كَالْبُنْيَانِ يَشُدُّ بَعْضُهُ بَعْضًا.

140) **Мўмин мўминга худди бир–бирига мустаҳкам киришган бино кабидир**.

141) مَنْ أَحْزَنَ وَالِدَيْهِ فَقَدْ عَقَّهُمَا.

141) **Ким ота–онасини ҳафа қилса**, **демак уларга оққ бўлибди**.

142) مَنْ أَرَادَ أَنْ يَسْلَمَ فَلْيَحْفَظْ لِسَانَهُ.

142) **Ким омонликни истаса**, **тилини сақласин**.

143) مَنْ أَطَاعَ اللهَ فَازَ.

143) **Ким Аллоҳга итоат қилса**, **у ютуққа эришибди**.

**144)** مَنْ أَعَانَ ظَالِمًا سَلَّطَهُ اللهُ عَلَيْهِ.

**144) Ким золимга ёрдам берса, Аллоҳ бир золимни унга ҳукмрон қилиб қўяди.**

**145)** مَنْ أَكْثَرَ ذِكْرَ اللهِ أَحَبَّهُ اللهُ.

**145) Ким Аллоҳни кўп зикр қилса, Аллоҳ уни яхши кўради.**

**146)** مَنِ انْتَهَبَ فَلَيْسَ مِنَّا.

**146) Талон−тарож қилувчи биздан эмас.**

**147)** مَنْ تَأَنَّى أَصَابَ أَوْ كَادَ وَمَنْ عَجِلَ أَخْطَأَ أَوْ كَادَ.

**147) Ким оҳиста олиб борса маррага етади ёки етишига оз қолади. Ким шошқалоқлик қилса, хато қилади ёки хатога дучор бўлишига оз қолади.**

148) مَنْ تَرَكَ صَلَاةً لَقِيَ اللهَ وَهُوَ عَلَيْهِ غَضْبَانُ.

**148) Ким намозни тарк этса, (қиёматда) Аллоҳ унга ғазаб қилган ҳолида йўлиқади.**

149) مَنْ تَرَكَ الْجُمُعَةَ ثَلَاثًا مِنْ غَيْرِ عِلَّةٍ كُتِبَ مِنَ الْمُنَافِقِينَ.

**149) Ким Жума намозини узрсиз уч марта қолдирса, унга мунофиқлик битилур.**

150) مَنْ تَكَبَّرَ وَضَعَهُ اللهُ.

**150) Ким такаббурлик қилса, Аллоҳ уни паст даражага тушириб қўяди.**

151) مَنْ جَرَّ ثَوْبَهُ مِنَ الْخُلَاءِ لَمْ يَنْظُرِ اللهُ إِلَيْهِ.

**151) Ким такаббурлик ила кийимини судраб юрса, Аллоҳ унга назар қилмайди.**

152) مَنْ سَبَّ وَالِدَيْهِ فَاضْرِبُوهُ وَمَنْ ضَرَبَهُمَا فَاقْتُلُوهُ.

**152) Ота–онасини сўккан одамни уринглар, ота–онасини урган одамни ўлдиринглар.**

153) مَنْ عَيَّرَ أَخَاهُ بِذَنْبٍ لَمْ يَمُتْ حَتَّى يَعْمَلَهُ.

**153) Ким биродарини бир гуноҳ билан айбласа, то ўзи амал қилмагунча вафот топмайди.**

154) فَعَلَيْكَ بِالْجَمَاعَةِ فَإِنَّمَا يَأْكُلُ الذِّئْبُ الْقَاصِيَةَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُد

**154) Жамоатни лозим тут. Айрилганни бўри ер.**

155) مَنْ كَانَ ذَا طَوْلٍ فَلْيَتَزَوَّجْ.

**155) Кимнинг имконияти бўлса уйлансин.**

156) مَنْ لَا يَرْحَمُ النَّاسَ لَا يَرْحَمُهُ اللهُ.

**156) Ким одамларга раҳм қилмаса, Аллоҳ унга ҳам раҳм қилмайди.**

157) مَنْ وَقَّرَ صَاحِبَ بِدْعَةٍ فَقَدْ أَعَانَ عَلَى هَدْمِ الْإِسْلَامِ.

**157) Ким бидъатчини ҳурмат қилса, у Исломнинг бузишга ёрдам кўрсатибди.**

158) نَحِّ الْأَذَى عَنْ طَرِيقِ الْمُسْلِمِينَ.

**158) Мусулмонлар йўлидан озор берувчи нарсаларни узоқлаштир.**

**159)** اَلنَّفْخُ فِي الطَّعَامِ يَذْهَبُ بِالْبَرَكَةِ.

**159) Таомга пуфлаш баракани кетказади.**

**160)** نَوْمُ الصَّائِمِ عِبَادَةٌ.

**160) Рўзадорнинг уйқуси ибодатдир.**

**161)** اَلنِّكَاحُ مِنْ سُنَّتِي فَمَنْ لَمْ يَعْمَلْ بِسُنَّتِي فَلَيْسَ مِنِّي.

**161) Никоҳ менинг суннатимдир, ким суннатимга амал қилмаса мендан эмас.**

162) اَلْوَحْدَةُ خَيْرٌ مِنْ جَلِيسِ السُّوءِ.

**162) Ёмон суҳбатдошдан ёлғиз ўзи қолгани яхширокдир.**

163) هَلْ جَزَاءُ الْإِحْسَانِ إِلَّا الْإِحْسَانُ.

**163) Яхшиликнинг мукофоти фақатгина яхшиликдир.**

164) يَأْتِي عَلَى النَّاسِ زَمَانٌ هِمَّتُهُمْ بُطُونُهُمْ.

**164) Шундай замон келадики, одамлар фақатгина қоринлари учун ғайратли ва фаол бўладилар.**

(خاتمة الكتاب)

في الأحاديث المتعلقة بتهذيب الأخلاق

1) اعْمَلُوا فَكُلٌّ مُيَسَّرٌ لِمَا خُلِقَ لَهُ.

**1) Амал қилинглар, нима учун яратилган бўлса ўша нарса у учун осон қилингандир.**

2) عَلِّمُوا أَوْلَادَكُمُ الشِّعْرَ فَإِنَّهُ يُطْلِقُ لِسَانَ الصَّبِيِّ.

**2) Фарзандларингизга шеърни ўргатинглар, чунки у боланинг нутқини ўстиради.**

3) اِتَّقُوا الْمَجْذُومَ كَمَا يُتَّقَى الْأَسَدُ.

**3) Мохов (одам)дан йиртқич шердан қўрққандек эҳтиёт бўлинглар.**

4) اِجْتَنِبِ الْغَضَبَ.

**4) Ғазабдан сақлан.**

5) أَحَبُّ الْأَعْمَالِ إِلَى اللهِ حِفْظُ اللِّسَانِ.

**5) Аллоҳга амалларнинг энг севиклиси бу – тилни сақлаш.**

6) أَحَبُّ الْأَسْمَاءِ إِلَى اللهِ مَا تُعُبِّدَ لَهُ.

**6) Инсоннинг энг гўзал исмлари – Аллоҳнинг бандаси эканлигини билдирувчи, яъни Абду билан бошланувчи исмлардир.**

7) أَحَبُّ الْأَدْيَانِ إِلَى اللهِ الْحَنِيفِيَّةُ السَّمْحَةُ.

**7) «Аллоҳга энг севимли дин кенг ҳанифликдир», деганлар.**

**Изоҳ: Ҳанифлик – ёмонликдан яхшиликка, ботилдан ҳаққа мойиллик, ҳақ динга юзланиш.**

8) إِنَّ الْمُتَشَدِّقِينَ فِي النَّارِ.

**8) Албатта вайсақилар дўзахдадирлар.**

9) إِنَّ النُّهْبَةَ لَا تَحِلُّ.

**9) Талон–тарож қилиб олинган нарса ҳалол эмас.**

10) الإِقْتِصَادُ جُزْءٌ مِنْ خَمْسَةٍ وَعِشْرِينَ جُزْءًا مِنَ النُّبُوَّةِ.

**10) Тежамкорлик Пайғамбарликка хос йигирма беш жуздан биридир.**

11) أَبْخَلُ النَّاسِ مَنْ بَخِلَ بِالسَّلَامِ.

**11) Одамларнинг энг бахили салом беришда бахиллик қилганидир.**

12) إِنَّ ابْنَ آدَمَ حَرِيصٌ عَلَى مَا مُنِعَ.

**12) Албатта Одам боласи ман қилинган нарсага ўта қизиқувчан бўлади.**

13) إِنَّ أَحَبَّ عِبَادِ اللهِ إِلَى اللهِ أَنْصَحُهُمْ لِعِبَادِهِ.

**13) Одамларга насиҳат қилувчилар Аллоҳга энг суюкли бандалардир.**

14) إِنَّ أَحْسَنَ الْحَسَنِ الْخُلُقُ الْحَسَنُ.

**14) Албатта яхшиликнинг аълоси бу ҳусни хулқдир.**

15) إِنَّمَا الْمَجَالِسُ بِالْأَمَانَةِ.

**15) Албатта ўзаро суҳбат омонатдир.**

16) إِنِّي لَمْ أُؤْمَرْ أَنْ أُنَقِّبَ عَنْ قُلُوبِ النَّاسِ وَلَا أَشُقَّ بُطُونَهُمْ.

**16) Албатта мен одамларнинг қалбларини тафтиш қилишга ва қоринларини ёриб кўришга буюрилмадим.**

17) جَمَالُ الرَّجُلِ فَصَاحَةُ لِسَانِهِ.

**17) Нутқининг гўзаллиги кишининг кўркидир.**

18) خُذِ الْحِكْمَةَ وَلَا يَضُرُّكَ مِنْ أَيِّ وِعَاءٍ خَرَجَتْ.

**18) Ҳикмат қайси жойдан чиқса уни олгин, зарар кўрмайсан.**

19) رَأْسُ الْعَقْلِ التَّحَبُّبُ إِلَى النَّاسِ فِي غَيْرِ تَرْكِ الْحَقِّ.

**19) Ақлнинг боши ҳақиқатни беркитмай одамларга муҳаббатли бўлишдир.**

20)اَلضَّيْفُ يَأْتِى بِرِزْقِهِ وَيَرْتَحِلُ بِذُنُوبِ الْقَوْمِ.

**20) Меҳмон ризқи билан келиб, қавмнинг гуноҳини олиб кетади.**

21) اَلْعِلْمُ لَا يَحِلُّ مَنْعُهُ.

**21) Илмни тўхтатиш,яшириш ҳалол эмас.**

22) اَلْعِلْمُ لِلْعَامَّةِ وَالْعِبَادَةُ لِلرَّجُلِ وَحْدَهُ.

**22) Илмнинг савоби жамиятга, ибодатнинг савоби ўзи учун бўлади.**

23) اَلْغَنَمُ بَرَكَةٌ.

**23) Қўй баракадир.**

24) اَلْغُسْلُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ سُنَّةٌ.

**24) Жума куни ғусл қилиш суннатдир.**

25) قَطِيعَةُ الرَّحِمِ وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ مِنَ الْكَبَائِرِ.

**25) Қариндошлик риштасини узиш ва ота–онага оққ бўлиш кабира гуноҳлардир.**

26) مَعَ كُلِّ فَرْحَةٍ تُرْحَةٌ.

**26) Ҳар–бир хурсадчилик билан бирга бир нохушлик бордир.**

27) مَلْعُونٌ مَنْ ضَارَّ مُؤْمِنًا أَوْ مَا كَرَّبَهُ.

**27) Мўминга зарар етказувчи ёки ғам–ташвишга солувчи киши лаънатлангандир.**

28) مِنْ تَمَامِ التَّحِيَّةِ الأَخْذُ بِالْيَدِ.

**28) Қўл ушлаб кўришиш мукаммал саломлашишдир.**

29) مِنْ سَعَادَةِ الْمَرْءِ أَنْ تَكُونَ إِخْوَانُهُ صَالِحِينَ.

**29) Кишининг солиҳ дўстлари бўлиши унинг саодатидандир.**

30) مَنْ أَذْنَبَ ذَنْبًا فَنَدِمَ عَلَيْهِ فَهُوَ تَوْبَتُهُ.

**30) Ким гуноҳ қилса, гуноҳига надомат чекса, унинг тавбаси шудир.**

31) مَنِ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يَنْفَعَ أَخَاهُ فَلْيَنْفَعْهُ.

**31) Қайси бирингиз ўз биродарига манфаат беришга қурби етса кўмаклашсин.**

32) مِنْ عَقْلِ الرَّجُلِ اسْتِصْلَاحُ مَعِيشَتِهِ.

**32) Ўз турмуш тарзини яхшилаши кишининг ақлу фаросатидандир.**

33) اَلْمُؤْمِنُونَ كَرَجُلٍ وَاحِدٍ.

**33) Мўминлар гўёки бир шахсдек.**

34) اَلْمُسْلِمُ مِرْآةُ الْمُسْلِمِ فَإِذَا رَأَى بِهِ شَيْئًا فَلْيَأْخُذْهُ.

**34) Мусулмон мусулмоннинг ойнасидир. Дўсти унда нимани кўрса, ўшани ўзида акс эттиради.**

35) اَلْوَصِيَّةُ حَقٌّ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ.

**35) Васият қилиш ҳар бир мусулмоннинг мажбуриятидир.**

36) لَا تَمَسَّ الْقُرْآنَ إِلَّا وَأَنْتَ طَاهِرٌ.

**36) Қуръонни фақатгина пок ҳолатда ушлагин.**

37) لَا خَيْرَ فِي الْعِيشِ إِلَّا لِمُسْتَمِعٍ وَاعٍ وَعَالِمٍ نَاطِقٍ.

**37) Яшашда яхшилик йўқ, фақатгина онгли эшитувчи ва нотиқ олимда бор холос.**

38) لَا خَيْرَ فِي صُحْبَةِ مَنْ لَا يَرَى لَكَ مِثْلَ مَا تَرَى لَهُ.

**38) Ўзаро сухбатда ким сенга худди ўзига маъқул топган нарсани сенга ҳам маъқул топмаса, бу сухбатда яхшилик йўқ.**

39) إِنَّ اللهَ لَا يُعَذِّبُ بِقَطْعِ الرِّزْقِ.

**39) Аллоҳ ризқни кесиш билан азобламайди.**

40) اِتَّقُوا مَوَاضِعَ التُّهَمِ.

**40) Шубҳали вазиятлардан сақланинглар.**

41) أَدِّ الْأَمَانَةَ إِلَى مَنِ ائْتَمَنَكَ وَلَا تَخُنْ مَنْ خَانَكَ.

**41) Сенга омонат топширганнинг омонатини адо эт ва сенга хиёнат қилганга хиёнат қилма.**

42) إِذَا حَدَّثْتُمُ النَّاسَ فَلَا تُحَدِّثُوهُمْ بِمَا يُفْزِعُهُمْ.

**42) Агар одамларга сўзласангиз уларни қўрқитадиган гаплар билан гапирманглар.**